*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan • 2001 yil, 6 iyul № 27 (460) Sotuvda narxi erkin



«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Шаҳрисабз филиалининг коммутатор телефончиси Сабоҳат РАСУЛОВА буюртмачилар истагини адо этаётганидан мамнун.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

• Қилмиш қидирмиш

## ҲУКМ ЎҚИЛДИ, БИРОҚ...

Оҳангарон шаҳрида жойлашган "Эйвелек" ва "Западная" электр под станцияларини "Азимут" йўлдош алоқа станцияси билан улаб турувчи, узунлиги 6720 метр, оғирлиги 1920 килограмм бўлган электр симлари ўғирлаб кетилганди. Оҳангарон туман ички ишлар бўлими томонидан ушбу ўғирлик юзасидан жиноят иши қўзғатилгач, "Азимут" йўлдош алоқа станциясининг муҳандис-техник хизматчилари ҳам ўғриларни фош этишда ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ишга киришдилар. Электр узатиш линияларига сигнал мосламалари ўрнатилди.

2001 йил, 9 апрель кечки соат 21.00 атрофида электр узатиш линиясида сигнал ишлаб кетди ва дарҳол милиция ходимларига хабар берилди. Ўғирлик устида икки шахс қўлга олинди. Тергов давомида эса уларнинг 24-оралиқдаги электр симларини ўғирлаганликлари ҳам исботланди.

Ушбу ишни кўриб чиққан Тошкент вилояти, Оҳангарон туман суди 15 июн куни ўз ҳукмини ўқиди. Б. Турсунбоев ва Ғ. Анашев Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 169-моддасининг II қисми "Б" ва "Г" бандлари бўйича айбдор деб топилди. Б. Турсунбоев мол-мулкини мусодара этиш шарти билан беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Ғ. Анашев эса иш ҳақининг 25 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан уч йил аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилди.

"Тошкент телеграф- телефон-станцияси" АЖга етказилган моддий зарарларни қоплаш масаласига суд етарли аҳамият бермаган эди. Шу боис бу корхона Тошкент вилояти, Оҳангарон туман судининг ҳукмига рози бўлмади ва Тошкент вилоятининг жиноят ишлар бўйича судлов коллегиясига апеляцион тартибда шикоят хати йўллади.

Н. ШОРАҲМЕДОВ

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ": ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори, акциядорлик компанияси Кузатув кенгаши раиси Ф.Абдуллаев бошқарди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори А.Жўрабоев ўтган йил якунлари ва 2001 йилдаги вазифалар тўғрисида қуйидагича маълумот берди:

— Ўтган йили компания тасаруфидаги корхоналар томонидан 33593,345 млн. сўмлик даромад олинди. Жумладан, аҳолига 10633,0 млн. сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Соф фойда 2.848.922 минг сўмни ташкил этди.

Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси бўйича тариф даромади ўсиши 33,5 фоизга, сўзлашувлар эса 66,5 фоизга кўпайган. Телеграф алоқа бўйича даромадларнинг ўсиши фақат телеграф алоқа хизмати тарифларининг ошиши ҳисобига эришилди. Радиоэшиттириш бўйича даромад радионуқталар сонининг камайиши ҳисобига пасаймоқда.

2000 йили электралоқа корхоналари орқали 126,8 млн.сўмлик шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар амалга оширилди. Шаҳарлараро телефон сўзлашувлар ҳажми бўйича барча корхоналар ўз режаларини уддалалилар. Хусусан, "Хоразм Телеком", "Қорақалпоқ Телеком" АЖларда сўзлашувлар ҳажмининг ўсиш суръати юқори бўлди. Компанияда йил якуни бўйича ўртача иш ҳақи 22800 сўмни ташкил этди. Оптик толали кабеллар ҳам ўтган йили ҳисобига 23 кмга ошди. Йил давомида тармоқ кабел хўжалиги ва станция қурилмаларини капитал таъмирлаш ишлари 1999 йилга нисбатан сифат кўрсаткичлари бўйича яхшиланди.

Транс-Осиё-Европа оптик толали алоқа линияси ва ИНТЕЛСАТ йўлдош тизимлари орқали янги йўналишларда телефон каналлари ташкил этилди. Шунингдек, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги натижасида камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам таъкидланди.

Ҳисобот маърузаси юзасидан бўлган муҳокамаларда алоқа корхоналари раҳбар ҳамда мутахассислари - Ш.Худойбердиев, Т.Бикметов, М.Зоҳидов, Ў.Таженов, Т.Назаржонов, М.Бердибеков ва бошқалар сўзга чиқишди.

Йиғилиш сўнгида "Ўзбектелеком" АКнинг ўтган йилги иш фаолияти қониқарли деб баҳоланди. Шунингдек, келгуси вазифалар белгилаб олинди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И.ОМОНОВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• **Матбуотда "2001 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар микдорини ошириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

• Ўзбекистон Республикаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида АҚШ мустақиллиги эълон қилинганлигининг 225 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

• **"Фан" нашриётида Алишер Навоий асарлари тўпламининг 17-жилди босмадан чиқарилди.**

• Москванинг Измайлов боғида ўн бешинчи марта Сабантўй байрами нишонланди.

• **Франция раҳбари Ж. Ширак Россиянинг биринчи Президенти Б. Елцин меҳмони бўлди. Ўзаро мулоқотларда россиялик тадбиркорлар ҳам иштирок этишди.**

• Нью-Йорк штатида фуқароларнинг автомобилни бошқариш вақтида уяли алоқа телефонидан фойдаланишни тақиқловчи қонун эълон қилинди. Бу қонун 1 ноябрдан бошлаб кучга киради. Янги қонунга кўра, қоидабузар ҳайдовчиларга турли миқдорда жарима солинади.

## СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Самарқанд вилоят алоқачилари ўртасида "Оналар ва болалар" йилига бағишланган "Саломатлик" спартакиадаси бўлиб ўтди.

Мусобақаларда "COSCOM- С" қўшма корхонаси вилоят филиали жамоаси биринчи, "Самарқанд Телеком" ШК шаҳар филиали иккинчи, "Самарқанд почтаси" АЖ шаҳар филиали учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ғолиб жамоалар вилоят тармоқлараро "Саломатлик" спартакиадасида алоқачилар шарафини ҳимоя қилиб, фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Зебо ХУДОЁРОВА

• Танқиддан сўнг

## МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАТИЛДИ

"XABAR" газетасининг 2001 йил, 1 июн, 22 сонида чоп этилган "Текширишларда аён бўлди" сарлавҳали мақола "Жиззах Телеком" шўъба корхонаси туман ва шаҳар филиаллари селектор йиғилишида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Дўстлик филиалида таксофонлар ишламаслиги, телефонларни ҳисобга олиш журнали ва фуқароларни қабул қилиш китоби юритилмаганлиги аниқланди ва чора кўрилди.

Дўстлик филиали техник директори У. Бозоровдан жарима ундирилди ва жиддий кўрсатма берилди. Шунингдек, барча туман филиалларига камчиликларни бартараф этиш бўйича буйруқ тарқатилди.

Б. ЭРГАШЕВ,
"Жиззах Телеком" ШК
техник директори

## САҲНАДА ТАЛАБАЛАР

Тошкент электротехника алоқа институти талабалари Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институти талабалари томонидан саҳналаштирилган "Хазон бўлган умр" спектаклини томоша қилишди. Бугунги куннинг оғриқли муаммоси — диний экстремизм, ақидапарастлик, терроризм каби иллатлар талабалар ижроси орқали фош этилади.

О. ХИДИРОВ,
талаба

# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА МАСКАНИ

Телекоммуникация соҳасининг юксак суръатлар билан ривожланиши кадрлар тайёрлаш услуби ва сифатини такомиллаштиришга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади.

Асосан почта ва телекоммуникация корхона ҳамда ташкилотларига бакалавр, магистрлар тайёрлайдиган Тошкент электротехника алоқа институтида кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ "Телекоммуникациялар", "Почта хизмати" бакалавриатура йўналишлари бўйича янги таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Охирги икки йилда "Почта хизмати", "Информатика ва информацион технологиялар", "Телекоммуникациялар бўйича педагог" ҳамда "Радиотехника" йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлана бошланди. Ҳозирги кунда институт бўйича бакалавриатурада 4144 ва магистратурада 176 нафар талаба таълим олмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида институтда иккита мутахассислик бўйича аспирантура фаолият кўрсатяпти. 1999-2000 йилларда бешта номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинган бўлса, ҳозирги кунда ўттиз саккизта номзодлик диссертациялари устида иш олиб борилмоқда. Аспирантлар маркази ўқув хоналарида эса чет эл адабиётларига эга бўлган, "Ирбис" дастури асосида автоматлаштирилган кутубхона ишлаб турибди. Кутубхонада телекоммуникациялар ва информацион технологиялар бўйича чет эллик етакчи олим ҳамда мутахассисларнинг маърузалари ёзилган 150 видео тасма, 100 дона СД компакт дисклари мавжуд.

Тажриба алмашиш, фан янгиликларидан хабардор этиш борасида чет эл ўқув марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу кунгача институтнинг 80 нафар аспиранти ва ёш ўқитувчилари ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари Антверпен олий мактаби (Белгия), Патрас университети (Греция), Алкател, Сименс, Белгоком ўқув марказларида малака ошириб қайтишди.

Телекоммуникациялар технологияларининг тезкорлик билан янгиланиши профессор - ўқитувчилар, муҳандис ва техник ходимлар малакасини ошириш баробарида ўқув дастурига янгиликларни жорий этишни тақозо қиляпти. Ўқув лабораториялари моддий техника базасини алоқанинг энг янги техника воситалари билан бойитиш институтнинг устивор вазифаларидан биридир.

Жумладан, 1995 йилда Жанубий Кореянинг "DAEWOO TELEKOM" фирмаси институтга 500 рақамли автоматик телефон станциясини совға қилди. Талабалар ушбу рақамли АТС ёрдамида коммутациянинг замонавий усулларини ўрганмоқдалар.

1998 йили "BUZTON" ўзбек - британия қўшма корхонаси институтга тақдим этган NEC (Япония) корпорациясининг NAEX - 61 русумли рақамли АТСи билан SDN технологияси базасида ўқув-транспорт тармоғи ташкил қилинди. Унда компьютер орқали транспорт тармоғидаги жараёнларни кузатиш ва бажариш усулларини ўрганиш мумкин.

1999 йили Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва Хитой Халқ Республикасининг "Шанхай БЕЛЛ" фирмаси биргаликда 1000 рақамли АТСни ҳамда SDN узатиш тизимини электроэнергия билан таъминлаш жиҳозларини совға қилди. Ҳозирги кунда институтда "Шанхай БЕЛЛ" фирмасининг ўқув маркази фаолият кўрсатаётир.

Шунингдек, Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази (МОТЎМ)да юзлаб мутахассислар малакаларини оширмоқдалар. Фақат 2000 йилда МОТЎМ ва институт малака ошириш факултетида республика алоқа тармоғи корхона, ташкилотларининг 300 га яқин мутахассислари малакаларини оширди.

Мутахассислар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш жараёнини замонавий талаб даражасига кўтариш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида 2000 йил, 16 ноябрда институтнинг малака ошириш факултети ва МОТЎМ бирлаштирилиб, МОТЎМ номи билан аталмоқда.

Ҳозирги кунда МОТЎМда телекоммуникацияларнинг энг илғор масалаларига бағишланган мавзуларда курслар ташкил қилиниб, ўқитиш ишлари давом эттириляпти.

Талаба ва ўқитувчиларни юқори технологияларга асосланган замонавий телефон тармоғини чуқур ўргатиш учун ТАСИС дастури бўйича олинган грантнинг бир қисмига HICOM 150E рақамли коммутация тизими сотиб олинди. Яқин кунларда бу тизим Тошкент телефон тармоғига уланиб, институтнинг ўз АТСи барпо этилади. Бунинг учун "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти томонидан институтга ҳомийлик ёрдами сифатида ТЭАИ билан шаҳарнинг 137 - АТСи ўртасида замонавий оптик толали алоқа линиясини ўтказиш ишлари олиб боriляпти. Мазкур АТС ишга туширилгач, масофадан ўқитиш тизими яратилади.

**Ф. АСОМХЎЖАЕВ,**
**ТЭАИ маънавият ва маърифат маркази услубиётчиси**

# ЭЛ ХИЗМАТИДА

Аёлни юксалтирган энг муқаддас омил Она деган номдир. Ҳар қандай гўзаллик ва латофат биринчи навбатда аёл — она сиймосида мужассам. Жамиятда ҳам, оилада ҳам аёлларнинг ўрни беқиёс. Мана шундай аёллардан бири Зумрад Авезовадир. У "Бухоро почтаси" акционерлик жамиятининг Вобкент филиалида оддий ҳисобчи сифатида иш бошлаганидаёқ соҳанинг ҳақиқий



фидойисига айланган эди. Шу-шу қайси вазифада хизмат қилмасин, ҳамиша мижозлар эътиборида, эъзозида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда филиал бош хазиначиси вазифасида ишлаётган Зумрад опа ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариш, ҳамкасблари ва мижозлар ишончини қозонишни бурч деб билади. Шу боис ҳам пенсия ва нафақа пуллари ўз эгаларига ойма-ой, вақтида етказиб берилади. Аслида эса тумандаги икки мингдан зиёд нафақачиларнинг кўнглини бирдек топиш осон иш эмас.

Зумрад опанинг қизи Машҳура ҳам она касбини танлади. Мана, бир йилдан ошдики ёш мутахассис онаси ёнида обуна бўйича оператор вазифасида ишлаб келмоқда. Унинг тинимсиз изланишлари ва ўқиб-ўрганишлари ортида эса етук алоқачи бўлишдек катта мақсад ётибди.

Дўстларингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтаман деган гап бор. Худди шунингдек, Зумрад опага қараб у ишлаётган жамоа хусусида, бу жамоага қараб эса Зумрад опа ҳақида бемалол хулоса чиқавериш мумкин. Белгиланган режа-топшириқларнинг муваффақият билан бажарилишида Зумрад Авезова билан бир сафда туриб меҳнат қилаётган Гулнора Аъзамова, Нодира Исломова, Чинни Сафарова сингари операторларнинг ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани бунинг исботи. Зумрад опанинг бошқа бир қатор шогирдлари — туман филиали бош ҳисобчиси Носир Жабборов, филиал бошлиғи ўринбосари Олим Сатторовларнинг ҳам жамоада муносиб ўринлари бор.

1999 йил якуни бўйича туман филиалида жами 10 миллион 800 минг сўмлик даромадга эришилган эди. Аҳил ва меҳнаткаш жамоанинг саъй-ҳаракатлари боис бу кўрсаткич ўтган йилда 15 миллион 200 минг сўмни ташкил этди. 1999 йилги соф фойда 105 минг сўм бўлгани ҳолда 2000 йилда уни 769,2 минг сўмга етказишга эришилди.

Пенсия ва нафақа пулларининг баъзан жойларга бир неча кунлаб кечикиб бораётганлиги ва бу муаммо жамоа аъзоларини қийнаб қўяётгани ҳам сир эмас. Гап шундаки, компьютерда бажариладиган топшириқнома қоғозларини расмийлаштириш, тегишли талабномани банк муассасасига топшириш сингари юмушлар ўз вақтида бажарилишига қарамасдан, туман "Пахтабанки"дан ажратилиши лозим бўлган пуллар муддатидан кечиктириб берилмоқда. Ушбу кичик муаммонинг зудлик билан ҳал этилиши эса долзарб вазифалардан биридир.

Туман филиали касаба уюшма қўмитаси раиси бўлгани боис ҳам Зумрад Авезова бунга ўхшаш муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш учун куч-ғайратини аямай меҳнат қилади. Зарур ҳолларда ҳатто айрим мутасаддилар билан баҳсга ҳам киришади. Жамоа аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазаси ҳақида ўйлайди. Энг муҳими — бунинг учун вақт ҳам, имкон ҳам топади. Ходимлар, ишчи-хизматчилар ва уларнинг болалари учун ғамхўрлик қилади. "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган 2001 йилда аёллар ва уларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратиш жуда зарурлигини Зумрад опа дил-дилдан ҳис этади.

Ишчан почта ходимаси, қатор Фахрий ёрлиқлар соҳибаси, уч ўғил ва бир қизнинг онаси, бир-биридан ширин невараларнинг меҳрибон бувижониси бўлган Зумрад опанинг шижоатига шижоат, ишларига омад, оиласига барака тилаймиз.

**А. ИСТАМОВ,**
**Бухоро вилояти**

"XABAR" газетаси ўз саҳифаларида корхона ҳамда ташкилотлар, хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик кутловларни, олди-сотди билан боғлиқ турли хил хусусий эълонларни чоп этишини маълум қилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
144-29-09,
136-36-42,
136-35-29.

**Бизнинг манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй. Тошкент Бош почтамти, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги биноси, 4-қават, 401,402 хоналар.

## ЭЪЛОН!

**Тошкент электротехника алоқа институти 2001-2002 ўқув йилида магистратурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади!**

1. 5А340201 — Менежмент (соҳалар бўйича);
2. 5А522202 — Алоқа узеллари, тармоқлари ва ахборот тақсимланиши;
3. 5А522206 — Рақамли техника ва бошқариш тизимлари;
4. 5А522216 — Телекоммуникациялар бўйича педагог;
5. 5А522210 — Алоқа тизимлари ва тармоқларидан техникавий фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;
6. 5А522101 — Радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар;
7. 5А522105 — Мобил алоқа тизимлари.

**Ҳужжатлар 1 июлдан 30 июлгача ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

**Кириш синовлари 2001 йил 3-10 августда ўтказилади.**

**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**"Андижон Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Алоқатаъминот филиали ҳайдовчиси Абдуфаттоҳ РАСУЛОВни, Пахтаобод филиали муҳандиси Алижон ҚАЙНАРОВни, Андижон шаҳар филиали электромеханиги Абдуманноб ОБИДДИНОВни, Шаҳрихон филиали электромеханиги Абдухалил АБДУРАҲМОНОВни, Алоқатаъминот бўлими экспедитори Шавкат ПАРРАХОВларни 50 ёши билан қизғин табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлик, ишларида зафарлар ва оилавий бахт- саодат тилайди.**

COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

# ШОШИЛИНЧ ТЕЛЕГРАММА

(Ҳажвия)

Мен сизга айтсам, биз ҳам бир яхши кунларда денгиз соҳилидаги курортда бўлганмиз. Ўшанда хотин эриб кетиб, таътил пулимга битта ҳўкизнинг пулини қўшиб, белбоққа тугиб берган. Белда пул бўлса юриш бошқача бўлар экан. Дунёнинг ярмини сотиб оладиган Имонбой бўлиб денгиз бўйида юришимизни кўрсангиз. Овқатланиш ресторанда, юриш таксида. Яна улфатлар билан кунда ошхўрлик.

Ўйин-кулги билан ўн беш кун қандай ўтганини сезмабмиз. Ўйиб есанг Сулаймоннинг хазинасиям ўпирилар экан, белбоғдагининг ҳам таги кўринай деб қолибди. Яхшиям қайтишга самолёт чиптасини олиб қўйганман.

Ғизиллаб почтага бордим-у, "Хотин салом, пул тамом, кўрадаги икки совлиқнинг бирини сотиб, пулини юбормасанг бу томонларда қолиб кетадиғонман" деган мазмунда шошилинч телеграмма жўнатдим.

Ана энди хотинга эр керак бўлса сўраганимни жўнатсин, деб кўнгилни тўқ қилиб, киссада қолганини ҳам қуритдик, аммо уйдан жавоб йўқ. Кунда почтага қатнаш билан дам олишнинг ярмиям ўтиб кетибди. Киссанинг тагларидаги майда-чуйда чақаларни қоқиштириб, аэропортга етиб олдим. Аксига олиб, ўша куни ҳаво айниб, учиш кечиктирилса денг...

Карнайнинг овозини пойлаб, ўриндиқда икки букилиб ўтирибман. Қорин қурғур пиёз пўсти бўлиб кетди. Чала мудраб, чала уйғоқ тонг орттирдим. Очликдан кўнглим айниб, бошим айланади. Фаррош аёл ўриндиқларда мудраётган йўловчиларнинг оёқларини кўтартириб, пол ювиб келяпти. Унинг чаққон ҳаракатларини кузатиб туриб, сал нарида ғижимланган пулга кўзим тушиб қолди. Кўзларим чақнаб кетди. Ишқилиб, бошқа биров илиб кетмаса деб юрагим така-пука. Ўриндан туриб бориб олишга юрак бетламайди. Қарасам, фаррош полни шар-шур ювиб, ўша жойга яқинлашиб келаяпти. Ялпайиб ўтирсам қуруқ қоладиганман. Қорин қурғур ҳақини сўраб таталайди. Ўриндан туриб бориб, чемоданни пулнинг устига қўйдим. Фаррош полни ювиб ўтиб кетди. Атрофга аланг-жаланг қилиб, чемоданни аста кўтариб, пулга чанг солдим. Назаримда, ҳамма мени кузатиб тургандай. Юрагим дукиллаб, тиззаларим қалтираб, нарироқ бориб чангалимни очиб кўрсам, бир кишини тўйдиришга етадиган пул. Иримини қилиб, уч марта "Кимники, кимники, кимники?" деб пичирладим. Ҳеч ким "Меники" демади. Демак, "Ўзимники" экан деб кафега йўл олдим.

Хуллас, бир амаллаб қишлоққа ҳам етиб келдим. Уйга киришим билан пешвоз чиққан хотиннинг саломига алик олмасдан, "Нега пул жўнатмадинг, бераҳим?!" деб ўдағайладим.

— Сизга пул кераклигини тушимда кўрибманми, дилграмм жўнатинг эди? — деди хотин йиғламсираб.

— Шошилинч телеграмма жўнатдим-ку! — дедим бўшашиб.

— Ўлимдан хабарим бор, дилграммангиздан хабарим йўқ! — деди хотин бўғилиб.

Эртасига тонгда эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, почтамизнинг мудири Қаюмжон ака. Кучоқлашиб кўришдик. Дам олганимни сўраган бўлди, сўнг:

— Айтмоқчи, мана бу телеграммани олиб қўй, ўн кунча олдин келувди. Ўз қўлим билан обориб берарман деб журнал тагига бостириб қўйиб, ёдимдан кўтарилибди. Ҳечдан кўра кеч яхши, деб ўзим олиб келдим, ука. Энди, курортдан эсон-омон қайтганингни юварсан! — деди тиржайиб.

**Тоҳир ҚУРБОНОВ**



**Мажнунтолнинг барглари асли,
Менинг қаро сочларим эди.**

# МАСЛАҲАТГЎЙ ҚОЗИ

Қадим замонда бир қози бўлган экан. Халқ орасида кимнинг бошига мушкул иш тушса шу кишининг олдига келиб маслаҳат сўрар, унинг берган маслаҳати билан иш қилар экан.

Бир кишининг шохи тарвақайлаб ўсган ҳўкизи бор экан. Шу ҳўкиз бир куни бошини тандирга суқиб, қайта чиқариб ололмабди. Эгаси ҳўкизнинг бошини тандирдан чиқаролмай, охири қозининг ёнига бориб маслаҳат сўрабди. Қози "Ҳўкизнинг бошини кесинг" деб маслаҳат берибди. Ҳўкизнинг бошини кесибдилар. Барибир ҳўкизнинг боши тандирда қолибди. Яна қозидан маслаҳат сўрабдилар. У яна маслаҳат бериб: "Тандирни бузинг, шундагина ҳўкизнинг бошини тандирдан чиқариб оласиз" дебди. Қозининг маслаҳатига кўра тандирни ҳам бузиб, ҳўкизнинг калласини олибдилар. Кейин қози шодланибди. Ўзини ўзи мақтаб: "Юртда бизлардек бир-икки маслаҳатгўй бўлмаса, юрт хароб бўлади", - деб қўйибди.

# ҲИКМАТЛАР

**Унутмагинки, ҳар бир айтилган сўз кишининг юрагидан дарак беради.**

***

**Бирор ерга борганда эзмаланиб узоқ ўтирмаслик ва ўтиришда эса фақат керакли сўзларни гапириш одамнинг қадру қимматини оширади.**

***

**Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширилган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир.**

***

**Киши сахий душмандан сақланганидан кўра хасис дўстдан асрангани яхшидир.**

**Байт:**

**Ҳар кимсада бўлса қабиҳ бир одат,**
**Бу одатни қилар бир куни такрор.**

***

**Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.**

***

**Саломатликнинг қадри кетгандан сўнг билинади.**

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М. Холмуратовага опаси

**Робия ХОЛМУРАТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Shaharlararo aloqa korxonasi" акциядорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси раиси ўринбосари М. Холмуратовага опаси

**Робия ХОЛМУРАТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

• Ажаб дунё

# МИТТИ ЭРКАКЛАР

1791 йилнинг 14 январида Бриджуотер шаҳри (Массачусете штати, АҚШ)да туғилган Калвин Филлипс энг паст бўйли эркак сифатида қайд этилиб келинади. 907 грамм вазн билан дунёга келган Калвин 5 ёшида ўсишдан тўхтаган. 19 ёшида унинг бўйи 67 сантиметр, вазни эса 5,4 кило эди. У 1812 йил апрел ойида прогерри, яъни бўй ўсмаслик ҳамда барвақт қартайиш касаллигидан вафот этди.

1938 йили Пол Дел Рио (1920 йилда Мадридда туғилган)исмли миттивой Ҳолливудга ташриф буюрди ва "Лайф" журнали унинг бўйини 48 сантиметр деб эълон қилди. Аммо бу ҳеч кимни лол қолдирмади, чунки унинг вазни 5,4 кило эди, бу эса Рионинг асл бўйи тахминан 66 сантиметр эканидан далолат беради.

"Майор Майт" лақаби билан машҳур Уилям Жексон (1864 йили Янги Зеландияда туғилган) дунёга келганида вазни 340 грамм, бўйи эса 23 сантиметр эди. 1880 йил, ноябрида бўйи 53 сантиметрга, вазни эса 4 килога етди. У 1900 йилнинг декабрида Нью-Йоркда (бўйи бу пайтда 69 сантиметр эди) вафот этди.

1983 йили Порос шаҳри (Юнонистон)лик Димитрис Морокоснинг (1963 йили туғилган) бўйи 65 сантиметр экани эълон қилинди, аммо бу маълумот текшириб кўрилмади. Икки йилдан сўнг, 1985 йили Димитрис 22 ёшида вафот этди.

Айни кунда тирик миттилар ичида энг миттиси Доминикандаги Санта Доминго шаҳрида истиқомат қилувчи Нелсон де Ла Росадир. 1987 йили Доминикан тиббиёт маркази уни текширганида бўйи 72 сантиметр , вазни эса 6,81 кило экани аниқланди. Шифокорларнинг таъкидлашича, Нелсоннинг бўйи ўсишдан тамомила тўхтаган. Қизиғи шундаки, Нелсоннинг оила аъзолари бўй-бастлари жиҳатидан ҳам, бошқа жиҳатларидан ҳам оддий одамлардан сира фарқ қилишмайди.

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

•

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**

Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

•

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

**Буюртма № Г-2639.**
**4899 нусхада чоп этилди.**
**Офсет усулида босилди.**
**Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
**Манзили:**
**Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6